

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 5 август, № 167 (8229)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИХЧАМ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аслида, бу сўнгги йилларда амалга ошириб келинаётган маъмурий ислохотларнинг мантиқий давомидир. Президентимизнинг халқчил сиёсати туфайли давлат хизматчилари аҳолига анча яқинлашди. Халқни эшитиш, маблагларни одамлар талабига қараб йўналтириш, маҳалла-бай ишлаш тизимлари йўлга қўйилди. Ходимларга самарали фаолияти учун муносиб шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “навбатдаги муҳим вазифа — марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизimini яратиш” эканини таъкидлаган эди.

Хозирги кунда бу соҳада 118 минг киши меҳнат қилади. Лекин, натижадорлик бўйича айтганда, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ.

Мисол учун, ўтган йили Халқ қабулхоналари ва вазирлик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят келиб тушган.

Қобилиятини аниқлаш, ўқитиш, ишни яхшилашга ўргатадиган яхлит тизим бўлмагани учун айрим мутасаддилар вазифаларини эплай олмапти. Умуман, раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва мотивация бериш йўлга қўйилмагани ижродаги оқсоқилларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиб, икки йил давомида, чуқур муҳокамадор асосида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун тайёрланди.

Йилгида ушбу қонунда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, давлат идоралари олдига турган устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Аввало, давлат идораларига ишга қабул

қилишнинг очик-ошкора тизими жорий этилиши таъкидланди. Шу мақсадда йил якунигача барча вакант лавозимлар очик ягона электрон платформага жойлаштирилади. Бўш лавозимга танловда иштирок этиш учун ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжат сўралмайди, барча жараён электрон шаклга ўтказилади. Номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очик танлов орқали аниқланади.

Бу тизим тажриба тариқасида, Самарқанд вилояти ва Давлат солиқ қўмитасида синовдан ўтказилган. Йиғилишда мазкур вилоят ва қўмита мутасаддилари унинг натижалари ҳақида айтиб берди. Ҳар бир вазирлик ва ҳокимлик кадрлар танлашни олий ўқув юртлиридан бошлаши кераклиги қайд этилди.

Бу тажрибани тизимли йўлга қўйиш учун Ёш мутахассисларни танлаш дастури эълон қилинадиган бўлди. Дастур доирасида битирувчи курсларда ўқиётган қобилиятли талабалар сараланиб, вазирлик ва ҳокимлик тизимида стажировка ўтайди ва ўқишни тамомлагач, ишга қабул қилинади. Бунга хорижда ўқиётган ёшлар ҳам қамраб олинади.

Тахсилларга кўра, вазирликлар марказий аппаратидagi раҳбарларнинг 40 фоизи туман поғонасини кўрмаган, туман миқёсидagi раҳбарларнинг 60 фоизи эса вилоят ёки республика идораларида ишламаган.

Шу боис Президент давлат идораларида “маҳалладан — республикагача” тамойили асосида кадрларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун 1 ноябрдан бошлаб, эски намунадаги маълумотномадан воз кечилиб, ходимнинг малакаси ва эришган натижаларини илгор технологиялар асосида баҳолайдиган тизимга ўтилади. Одий қилиб айтганда, раҳбарликка тасодифан келиб қолишнинг олди олинади.

Шунингдек, туман ва шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун Салоҳиятли кадрлар резерви тузилади, унга номзодлар фақат маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олинади. Компетенциясига қараб, улар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги “Ватандошлар” жамғармаси билан бирга “100 та илгор етакчи” дастурига амалга ошириш вазифаси қўйилди. Бу дастур доирасида давлат хизматчилари, фаол тадбиркорлар, хориждаги ватандошлар орасидан салоҳиятли ёш кадрлар танлаб олинади.

Маълумки, мамлакатимизда “Инсон — жамият — давлат” деган тамойил устувор этиб белгиланган. Барча соҳада одамларга қулайлик яратиш чоралари кўриломоқда. Хусусан, лицензия олиш, хизматларга буюртма бериш, турли идораларга ҳужжат топшириш, тўлов тизимлари анча қулайлашди.

Лекин ҳали ҳам кўп соҳаларда қўғозбозлик бор. Масалан, субсидиялар учун ўртача 10 та вазирлик ва идорадан ҳулоса олиш керак. Электр тармоқларига уланишда ҳам ортиқча харажат ва бюрократия кўп. Тиббиётда қайси хизмат бепул ёки пулли бўлиши, давлатдан бериладиган доираларнинг ҳисоб-китоби ва эгасига етиб бориши аниқ бир тизимли эмас. Қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, стандарт, карантин идораларида ҳам аҳоли ва тадбиркорларнинг иши битиши қўйин бўлган жараёнлар жуда кўп.

Шу боис Бош вазирга ҳар бир вазирлик ва ҳокимликда хизмат кўрсатиш жараёнларини тушунарли ва қулай шаклга келтириш, ортиқча харажатлар ва ҳужжатларни қисқартириш бўйича кўрсатма берилди.

— Бунда бирдан бир мезон — одамлар ролигини олиш, — деди Шавкат Мирзиёев. Бугун халқимиз элу юрт ривожига бефарқ эмас, маҳалла ишларида фаол қатнашмоқда.

Масалан, “Очик бюджет” портали орқали аҳоли ташаббуслари ҳаётга кўчмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2 мингдан зиёд ана шундай лойиҳалар бошланди. Энг муҳими, одамлар улarga ўзларини дахлдор билиб, қурилган инфратузилмадан асраб-авайлаб фойдаланяпти.

Кейинги олти ойда бундай лойиҳалар учун яна 1 триллион сўм ажратилиши мўлжалланган. Шу боис мутасаддиларга аҳоли фикри асосида қилинадиган лойиҳалар қўламини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Иқтисодиётда хусусий сектор ўсиб бораётгани сари малакали кадрларга талаб ошиб бормоқда. Бу рақобатли бозорда давлат хизмати ҳам жозибador бўлиши керак.

Шу боис Президентимиз давлат хизматчилари фаолиятининг кафолатлари ҳам кучайтирилишини таъкидлади.

Хусусан, келгуси йилдан ходимнинг тажрибаси, малакаси ва эришган натижасига қараб, раббатлантириш тизими жорий қилинади. Уларнинг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳисобидан суғурта қилинади. Ўз вазифаларини ҳалол ва пок бажараётган давлат хизматчилари учун кексаликни муносиб ўтказиш кафолатлари яратилади.

Давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу пайтгача давлат хизматчиларининг атиги 20 фоизи малака оширган. Ўқитиш сифати ҳам замон талаби даражасида эмас.

Шунинг учун хорижий ўқув марказлари билан бирга қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Вазирликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўқитиш дастурлари ва методикаларини янгилаш, улarga малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари, хорижий ҳамкорларнинг фикрлари эшитилди.

Ў.А.

## БИЗ ва ЖАҲОН



### ЯНГИ ПЛАТФОРМА ОЗАРБАЙЖОН, ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА ФАРОВОНЛИК Йўналишидаги ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Бўйича АМАЛДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА МОС КЕЛАДИ

Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, савдо, иқтисодиёт ҳамда транспорт вазирларининг биринчи уч томонлама учрашуви Озарбайжон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Жумладан, “Caliber.az” ахборот-таҳлил порталида эълон қилинган мақолада Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон минтақавий ҳамда глобал сиёсатда туркий омилини мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшадиган йирик мамлакатлар ҳисобланиши ва “бу шакл ўз вақтида ташкил этилгани” таъкидланган.

“Trend.az”, “Eurasia Diary” ва “Oxu.az” ахборот агентликлари материалларида ёзилишича, томонлар халқаро транспорт алоқаларини кенгайтириш учун Зангезур йўлининг ривожлантириш муҳимлигини таъкидлашмоқда.

“Azerbaycan24.com” АА, “Regionplus.az” ва “Interfax.az” янгиликлар нашрларида Туркия ташқи ишлар вазирлиги Мавлуд Чавушўғлининг Буюк Ипак йўли тикланиши туркий дунё мамлакатларини бир-бирига яқинлаштириб, деган сўзлари келтирилди. Ташқи ишлар вазирлиги ўтган уч томонлама учрашувда Урта йўлда, шунингдек, юк ташини ҳамда логистика учун муқобил йўналишлар сифатида Шарқ — Фарб ва Шимол — Жануб транспорт алоқаларини ривожлантиришда янги имкониятларни

яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилингани қайд этилди. “Report.az” ахборот агентлиги хабарларига хавфсизлик масалаларига уруғ берилган. Шу нуктага назардан, нашр ўқувчиларининг эътибори мазкур уч томонлама учрашув иштирокчилари “халқаро миқёсда тан олинган чегаралар доирасида бир-бирларининг ҳудудий яхлитлигига ҳурматни, уларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига таҳдид соладиган тажовузуларга қарши бир-бирларининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлаганига” қаратилган.

“Day.az” ва “Minval.az” янгиликлар агентликлари Озарбайжон ташқи ишлар вазирлиги Жайхун Байрамовнинг нутқида таянган ҳолда, янги уч томонлама платформа минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистоннинг тинчлик, хавфсизлик ҳамда фаровонлик йўналишидаги умумий манфаатларини таъминлаш бўйича амалдаги ҳаракатларга мос келишига уруғ берган.

«Дунё» АА.

### ИШБИЛАРМОНЛАР ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШДИ

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудлари раҳбарларининг форуми якунланди. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳудудларaro ҳамкорликни чуқурлаштиришга эътибор қаратилди.

Тадбирда 50 дан ортиқ спикерлар — Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудлари раҳбарлари ҳамда делегация вакиллари сўзга чиқди. Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар ҳудудлари ва Тошкент шаҳридаги дипломатик ваколатхоналарининг 150 дан ортиқ вакиллари ҳамда 50 дан кўпроқ тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуманининг иккинчи кунда давра суҳбати тарзида бизнес форуми, шунингдек, бизнес тузилмалари вакиллари ва раҳбарлари ўртасида бир қатор учрашувлар ҳамда музокаралар ўтказилди. Ушбу формат ишбилармонлар алоқаларини ўрнатилиш ва ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш имконини берди. Форумда таъкидланганидек, савдо-иқтисодий соҳадаги ижобий динамикани сақлаб қолиш учун ташкилот доирасида 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳудудларaro савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Жорий йилнинг кузига олий даражада имзоланиши кутилётган ушбу ҳужжат савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни бирлаштириш, божона тартиб-

ларини рақамлаштириш, махсуслотларнинг бозорларга ўзаро етказилишини осонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади, бу эса ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳудудларaro савдони бутунлай янги босқичга олиб чиқади.

Эришилган натижалар ва саноат кооперациясини ривожлантириш истиқболлари қайд этилди. Бу йўналишда ҳам ижобий динамика кузатилмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида ШХТга аъзо давлатлар капитали иштирокида Ўзбекистонда очилган корхоналар сони 4 баравар кўпайиб 7,5 мингдан ошди, 2021 йил охирида ташкилотта эъза мамлакатлардан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 4,6 миллиард долларни ташкил қилди, бу эса ишбилармонлар билан бевосита ўзаро қизиқишнинг юқорилигини англатади.

Анжуман доирасида ишбилармонлар ўртасида бир қатор манфаатли ҳужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг иштирокчиларнинг Ўзбекистоннинг турли шаҳарларига саёфати ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

4 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқди.

Қонун билан давлат қарзи ва унга хизмат кўрсатиш харажатларининг устуворлиги, давлат қарзининг чекланган ҳажми, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатларини белгилаш кўзда тутилган.

Шунингдек, қонунни ишлаб чиқишда давлат қарзини бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиш бўйича самарали яхлит тизимни яратишга эътибор қаратилган.



### Нуктаи назар

## КОНСТИТУЦИЯ ХАЛҚНИНГ РУҲИЯТИ, ТАФАККУРИ ВА ДУНЁҚАРАШИ БИЛАН СУҒОРИЛГАН БўЛИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси даврида масъул қўмиталар томонидан амалга оширилган

ишлар ҳамда муҳокама якунлари кўриб чиқилди. Қўшма йиғилишда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этган ва таклифлари долзарб деб тоғилган фуқаролар ҳам қатнашди.

Мухбиримиз Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари юзасидан Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари аъзолари ва таклиф юборган фуқароларнинг фикрлари билан қизқиди.



### Ўрганиш

## БОЛАЛАРГА ИХТИСОСЛАНТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШ борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва мактабгача таълим тизимида ижро этилиши ҳолатини Бухоро ва Наманган вилоятларида назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати

ва самарадорлигини ошириш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда.

Ўрганишлар жараёнида депутатлар мактабгача таълим ташкилотлари, мактабларда тиббий хизматни ташкил этиш, боланинг белгиланган тартибда диспансер назоратида бўлиши, болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниши, таълим муассасаларида санитария-гигиена таълими олиш ҳуқуқлари таъминланганигига алоҳида эътибор қаратди.



## Қисқа сатрларда

■ Фарғона вилоятида Ҳиндистоннинг дунёга машҳур “Apollo Hospitals” халқаро шифохоналар тармоғи билан ҳамкорликда кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этишга киришилди. Замонавий тиббиёт марказининг лойиҳа қиймати 25 миллион долларга тенг бўлиб, бу ерда дунёнинг энг илгор тажрибалари асосида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Замонавий марказни 2024 йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

■ Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Лочин” ёзги соғломлаштириш оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидан келган 200 нафар мактаб ўқувчиси ёзги таътилни мароқли ўтказди. Болажонлар бу ерда турли танловларда фаоллик билан қатнашиб, ҳар хил номинациялар бўйича ўз билимларини намойён этишмоқда.

■ Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳудудий тармоқларaro саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Унда металлургия, кимё саноати, электротехника, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда махсус техникалар учун зарур бўлган импорт ўрнини босувчи махсуслотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари қатнашяпти.

■ Шу кунларда Россиянинг Владивосток шаҳрида давом этаётган VII “Осий болалари” ўйинларида ёш ҳамюртларимиз муносиб катнашмоқда. Хусусан, умумий медалларимиз сони 81 тага, яъни 26 та олтин, 23 та кумуш ҳамда 32 та бронзага етиши натижасида 20 дан зиёд жамоалар орасида умумжамоа ҳисобида 2-ўринда қайд этилган.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давлат қарзи тўғрисидаги маълумотлар ва шу билан боғлиқ жараёнлар ҳақида фуқароларимизни тўлиқ хабардор қилиш тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Шу мақсадда, Молия вазирлиги томонидан давлат қарзининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар йилнинг ҳар чорагида ўз расмий веб-сайтига joyлаштирилиши белгиланган.

Давлат қарзи тўғрисидаги ахборотнинг очкиклиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси муҳокама қилинди. Кайд этилгандек, Кодексни ишлаб чиқишда қатор ижобий мақсадлар, хусусан, жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулиятини ошириш кўзланган.

Аммо муҳокамалар давомида сенаторлар Кодексда айрим нормаларни қўллаш механизми етарлича очиб берилмаганини таъкидлади.

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат уй-жой фондига тураржойларни юридик шахсларга белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ижара шартномаси шартлари асосида бериш ваколатини амалга ошириш тартиби белгиланмаган. Бу эса ҳокимият ваколатларини суиистеъмо қилиш ва бошқа коррупцион ҳолатларга шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, Кодексда белгиланган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тураржойларни хусусийлаштириш йўллари, яъни яқка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш ҳамда облигацияларини олиш йўллари тартибга солуви амалда бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги таъкидланди.

Бундан ташқари, мулкдорлар билан шартнома асосида тураржой бўлиши ва унинг ўрнида янги тураржой қурилиши мумкинлиги, шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва тураржойни қуриш учун зарур рўхсатнома олингандан кейин қура кириши Кодексда акс эттирилган бўлсада, шартномани қайси тури ҳақида сўз юритилаётганлиги мавҳум қолган.

Ваҳоланки мазкур масалалар шартномавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солуви Фуқаролик кодексига ҳам ўз аксини топмаган.

Шу билан бирга, қонунчилик техникаси қоидаларига лозим даражада риоя қилинмаган. Баъзи нормалар бир-бирига зид. Қатор моддалар билан давлат органларига дискрецион (чекланмаган) ваколатлар берилган ҳамда Кодексда қўлланилган бир қатор ҳаволати нормалар етарли асосларга эга эмас. Ўз навбатида, ушбу ҳолатлар турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Муҳокама якунида Кодекс жамият учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиши инобатга олиниб, миллий қонун ҳужжатлари, илгор ҳужжатли маълумотлар таърибаси ва ҳуқуқшунос олимлар фикрлари чўқур таҳлил этилган ҳолда, Кодексни такомилга етказиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Шу боис Кодекс сенаторлар томонидан рад этилди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида қонунда кайта қўриб чиқишни лозим бўлган қатор масалалар мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, Оила кодексининг амалдаги 13-моддасида узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар

никоҳ тузишга рўхсат берилиши, алоҳида ҳолларда, масалан, ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқа ҳолатларда никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлиги қайд этилган. Бироқ қўриб чиқилаётган қонун билан мазкур нормалар чиқариб ташланмоқда.

Бунга асос сифатида қонун билан киритилаётган бошқа ўзгаришлар кўрсатилган. Хусусан, эндиликда никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берилгандан кейин бир ой ўтган эмас, балки ариза берилгандан ва белгиланган тартибда тиббий қўриқдан ўтгандан кейин амалга оширилиши назарда тутилган.

Аммо никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берилгандан ва белгиланган тартибда тиббий қўриқдан ўтгандан кейин қанча мuddат давомида ўтказилиши ноаниқлигига қолган.

Шунга қўра, мазкур норманинг қўриқ қилиниши алоҳида ҳолларда, яъни ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқа ҳолатларда никоҳ ариза берилган куннинг ўзида тузиш имкониятини чеклашга олиб келиши ва бу ўз навбатида, никоҳланувчи шахсларнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Оила кодексининг амалдаги 17-моддасига мувофиқ никоҳланувчи шахслар 50 ёшдан ошган бўлса, шунингдек, алоҳида ҳолларда, жумладан, ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда тиббий қўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади.

Қонун билан киритилаётган ўзгаришга асосан 50 ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар ёки ўртада боласи (болалари) бўлган никоҳланувчи шахслар учун, шунингдек, ҳомиладор аёл ва унинг туғилган боласини ўз боласи деб тан олуви шарт учун тиббий қўриқдан ўтиш ихтиёрий ҳисоблангани кўрсатилмоқда.

Мазкур ўзгаришларга асосан, эндиликда юқорида қайд этилган айрим шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтиши никоҳланувчи шахсларнинг айнан ўз розилиги билан эмас, балки ихтиёрий равишда амалга оширилиши қайд этилди.

Бундан ташқари, амалдаги таҳрирда назарда тутилган бир тарафнинг касаллиги мавжуд ҳоллар Оила кодексига киритилаётган ўзгаришлар жараёнида эътибордан четда қолдирилган. Бу эса ўз навбатида, бу тоифадаги шахслар ҳуқуқларининг чекланишига олиб келади.

Шу билан бирга, Оила кодексига киритилаётган ўзгаришга қўра, никоҳни қайд этишнинг бир ойлик мuddатини бекор қилиш ҳамда никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берилгандан ва белгиланган тартибда тиббий қўриқдан ўтгандан кейин амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Бироқ ушбу нормани киритишда тақлифлар етарли даражада асосланмаган, шунингдек, миллий ва хорижий мамлакатлар таърибаси чўқур ўрганилиб, таҳлил қилинмаган.

Жумладан, қонун ташаббуслари томонидан айрим хорижий мамлакатларда никоҳни қайд этишдаги мuddатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг қисқалиги баён этилган бўлса-да миллий қонунчиликимиз тизими ўзaro яқин бўлган бошқа бир қатор хорижий ва МДҲ давлатларида ушбу мuddатлар ҳали ҳам мавжуд. Масалан, Россия (1 ойдан кам бўлмаган ва 12 ойдан кўп бўлмаган мuddатда), Арманистон (1 ойдан кам бўлмаган 3 ойдан кўп бўлмаган), Озарбайжон ва Қозоғистон (1 ой мuddатда) ҳамда бошқа қўлпал мамлакатларда никоҳ тузишда тегишли мuddатлар сақланиб қолган.

Амалдаги норма ва қоидалар, яъни никоҳни қайд этишдаги мuddатларнинг мавжудлиги никоҳдан ўтувчиларнинг ўз қарорларини пухта ўйлаб қўришларига, ёшлар

томонидан шомашошарлик билан никоҳдан ўтишга йўл қўймасликка, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга, мамлакатда ажралишлар сонининг камайишига имкон бериши мумкинлиги жиҳатидан талқин этилмоқда ҳамда бу бўйича тегишли қатор қонунности ҳужжатлари ҳам қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Юқоридагиларга асосланиб, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонунни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан кейин "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокамада қонунни ишлаб чиқишда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг даромадлари, уларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, шунингдек, оилаларни сақлаб қолиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда халқаро ташиқлотларнинг тақлифлари инобатга олинмаганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Хусусан, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича қонунчиликни ишлаб чиқишга доир БМТ тавсияларида оиладаги зўравонлик содир этганликда айбланган шахсларга жарима солишни жабрланувчига тушадиган қў сифатида қараш ва шунинг боис ҳуқуқбузарлар учун номақбул жазо тури сифатида қараш кераклиги назарда тутилган.

БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси Ўзбекистоннинг 6-даврий ҳисоботи бўйича яқуний тавсияларида ҳимоя кўрсатмаларини бажармаганлик учун тегишли тийиб турувчи қарор чораларини қўллаш кераклиги таъкидланган.

Шунингдек, "Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси"нинг 35-таъсиясида ҳимоя чораларини қўллаш зўравонликдан жабрланган ёки зўравонлик натижасида жабрланган хотин-қизларга молиявий, бюрократик ёки шахсий ҳусусиятга эга ҳаддан ортқ юкни қўллашни назарда тутмаслиги баён этилган.

Муҳокама жараёнида таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёшлар учун содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун белгиланган жазо амалда жабрланувчига қў сифатида тушаётганлиги қайд этилди.

Маҳаллий ҳамда хорижий экспертларнинг фикрига қўра, таъйиқ ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерини бузгани учун жарима қўриш "Хотин-қизлар камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси"нинг 2-моддаси (хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишчи хатти-ҳаракатлар ва ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиб) бўйича Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузишига олиб келиш эҳтимолини кучайтиради.

Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хукуматнинг 2020 йил 4 январдаги "Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 18-бандида ҳам таъйиқ ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига зўравонликдан жабрланувчининг даволаш, маслаҳат бериш, ёрдам қўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш харажатларини, моддий зарарни қоплаш ҳамда маънавий зийнини компенсация қилиш мажбурияти юкланган.

Мажлис давомида оиладаги таъйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш учун нафақа жавобгарлигини ошириш, балки биринчи навбатда, маънавий, тарбиявий ҳамда оилани келгусида ҳар томонлама моддий

ва баркамол жиҳатдан яшаб кетишни таъминлаш учун тегишли тизимли ва мантйик боғлиқ бўлган кетма-кет чораларни келтириб чиқарувчи қонун нормаларини ишлаб чиқиш зарур эканлиги таъкидланди.

Юқоридагиларга асосланиб, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонунни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлисда "Судларнинг фаолияти рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

трон тарзда веб-сайтга жойлаштирилиши, уни келгусида бегона ёки маълумот билан танишишга рўхсати бўлмаган шахслар кўриши ҳамда фойдаланишга замин яратиши мумкин. Шунинг учун ушбу масалани яна бир мартаба қўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Умуман олганда, қонун билан жорий этилаётган янги тизим қатор амалий чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Жумладан, ишда илтироз эътиҳи шахсларни улар судга маълум қилган телефон



Ҳосан ПАЙДЎЕВ олган сурат.

ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Муҳокама жараёнида қонунда қайта қўриб чиқишни лозим бўлган қатор масалалар мавжудлиги таъкидланди.

Хусусан, қонунда суд ишларини юритишда илтимоснома билдириш ёки шикоят қилиш чоғида давлат органлари ва ташиқлотлари ҳамда адвокатларнинг ўз мурожаатларини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни электрон шаклда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали судларга тақдим этиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ амалдаги жинойий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликда "мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзда юборилиши мумкин" лиги қайд этилган бўлиб, давлат органлари ва ташиқлотлари, шунингдек, адвокатлар томонидан судга электрон ҳужжат тарзда мурожаат қилиш бўйича чеклов йўқ. Шу муносабат билан мазкур кодексларга қўшимчалар киритиш масаласини ўрганиб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 475-моддасига киритилаётган қўшимчага қўра, ҳукм эълон қилингандан кейин суднинг расмий веб-сайтига эркин фойдаланилиши чекланган режимида электрон ҳужжат тарзда жойлаштирилиши ва ҳукм жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилига оид ҳавола маҳкумга, оқланган шахсга улар судга маълум қилган телефон рақамларига "SMS-хабар" ёки электрон манзилига электрон хабар орқали юборилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда жиноят ишлари бўйича судларда фуқароларнинг шахсий ҳаёти ёки давлат сирлари билан боғлиқ ишлар ҳам қўриб чиқилади. Мазкур ишлар бўйича суд ҳукмининг элек-

трамалярига "SMS-хабар" ёки электрон рақамларига электрон хабар орқали хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик факти қайд этилиши тартибини ҳуқуқий эксперимент тарихида жорий этиш, унинг амалиётда самарадорлигини баҳолаш, суд ва адвокатура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу тартибни тўлақонли қўллаш бўйича амалиёт ҳам йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, аҳолининг жорий этилаётган тизим бўйича фикрини ҳам ўрганиш зарур.

Шу боис мазкур тизимни ҳуқуқий эксперимент тарихида айрим ҳудудларда жорий этиш ва синовдан ўтказиш масаласини қўриб чиқиш мақсада мувофиқ.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олганда, мазкур қонунни рад этиш тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Кайд этилгандек, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар органлари фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги ва "Маъмурий қамқоқчи ўтас тартиби тўғрисида"ги қонунларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди.

Хусусан, қонун билан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳар чоракда тегишлина Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиши тартиби жорий қилинмоқда.

Шу билан бирга туман, шаҳар ички ишлар бўлинулаларининг бошлиқлари — ҳар чоракда ва уларнинг ўринбосарлари — ҳар ойда, маҳалла ҳуқуқ-тартибот пунктларининг профилактика катта инспекторлари

— ҳар олти ойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиш тартиби белгиланмоқда.

Бундан ташқари, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунга ички ишлар органлари тизимида фаолият юритаётган маҳалла ҳуқуқ-тартибот пунктларининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифаларини белгиллашга қаратилган қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, қонунга маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги норма киритилиб, бунда маҳалла ҳуқуқ-тартибот пунктлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактика ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш бўйича ички ишлар органларининг тарихий тузилмаси ҳисобланиши белгиланмоқда.

Мазкур қонун ички ишлар органлари фаолиятининг очкиклиги, шунингдек, уларнинг фаолиятини халқ вакиллари томонидан назорат қилиб бориш учун мустақам ҳуқуқий асос яратиш, ички ишлар органларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва уларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат ҳавфсизлиги соҳасида қўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сенатнинг 29-ялпи мажлисида илк бор Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза кенг муҳокама қилинди.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида баътафсил маълумот берилди.

Муҳокамалар давомида сенаторлар томонидан ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларга қарамадан, коррупциявий ҳолатлар қўйилганлиги таъкид қилинди.

Давлат харидлари соҳасида республика бўйича бюджет бюротмачилари томонидан 458 та танловда "Давлат харидлари тўғрисида"ги ва "Рақобат тўғрисида"ги қонунлар талаблари бузилган.

Муҳокамалар давомида Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва қатор вазирликларга коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятларини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар билдирилди.

Хусусан, давлат органлари ҳамда ташиқлотлари ички назорат тузилмаларининг мустақилигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, "очик, шаффоф ва ҳисобдор ҳудуд" ва "очик, шаффоф ва ҳисобдор вазирлик" лойиҳаларини амалга ошириш, вакант иш ўринлари ва уларга қўйилмаган талаблар очик эълон қилинишини қатъий таъминлаш, коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини малакали ва ҳалол кадрлар билан тўлдирish, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан изчил назоратни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилди.

Муҳокамалар жараёнида билдирилган тақлифлар Сенат қарориди акс эттирилди. Сенаторлар ялпи мажлис биринчи иш куни давомида 7 та масалани, шу жумладан, 6 та қонунни қўриб чиқдилар.

Шунинг билан 29-ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

## ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИ КУЧ БЕРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Мазкур йигирмининг биринчи кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни юқори босқичга қўтариш, таъбир жоиз бўлса, унга янги куч беришга йўналтирилган қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар қўриб чиқилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сенаторлар қўйдагича фикр билдирди.

### Муносабат

#### Давлат қарзини бошқаришга қайси идора масъул?

Эркин ГАДЛОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинган "Давлат қарзи тўғрисида"ги қонун билан давлат қарзи ҳамда унга хизмат кўрсатиш харажатлари устуворлиги, давлат қарзининг чекланган ҳажмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатини белгиллаш кўзда тутилган. У билан давлат қарзини бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатish бўйича самарали яхлит тизимни яратиш ҳам мақсад қилинган.

Бу ҳужжатнинг янгилиги ҳақида гапирадиган бўлсак, у билан давлат қарзи суммасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори микдори 60 фоиздан ошмаслиги ҳамда давлат қарзи ҳисобидан факат ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш мумкинлиги белгиланган.

Унга қўра, Молия вазирлиги давлат қарзини бошқариш бўйича ваколатли орган ҳисобланади. Айни чоғда давлат қарзини бошқариш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, Марказий банк ва Молия вазирлигининг ваколатлари ҳам белгиланган.

Қолаверса, унда давлат кафолатини бериш тартиби, давлат кафолати берилмайдиган ҳолатлар, қарз олувчи резидентлар мажбуриятлари, давлат кафолатини бекор қилишга оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

#### Айрим меъёрларни амалиётда қўллаш механизмлари тўлиқ очиб берилмаган

Шухрат ЧўЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ялпи мажлисида кенг муҳокама қилинган

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулиятини кучайтириш ва яна қатор эзгу мақсадлар йўлида ишлаб чиқилган.

Аммо унда айрим меъёрларни қўллаш механизми етарлича очиб берилмаган. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат уй-жой фондига тураржойларни юридик шахсларга белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ижара шартномаси шартлари асосида бериш ваколати тартиби белгиланмаган. Бу эса ҳокимият ваколатларини суиистеъмо қилиши, бошқа коррупцион ҳолатларга шарт-шароит яратиши мумкин.

Яна бир мисол. Кодексда мулкдорлар билан шартнома асосида тураржой бўлиши ва унинг ўрнида янги тураржой қурилиши мумкинлиги, шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва тураржойни қуриш учун зарур рўхсатнома олингандан кейин қура кириши акс эттирилган бўлса-да, шартномани қайси тури ҳақида сўз юритилаётганлиги мавҳум қолган.

Камига, бу масала Фуқаролик кодексига ҳам ифодаланмаган.

Шу сабабли ҳам Кодексни такомилга ет

# КОНСТИТУЦИЯ ХАЛҚНИНГ РУҲИЯТИ, ТАФАККУРИ ВА ДУНЁҚАРАШИ БИЛАН СУҒОРИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК



**Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси:**

— Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори билан Конституциявий қонун лойиҳаси 2022 йил 1 августга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Айтиш керакки, лойиҳа юзасидан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида кенг қўламли муҳокамалар амалга оширилди. Фуқароларга ўз тақдирларини эмин-эркин билдириши учун барча қўлайлик яратиб берилди.

Хусусан, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунириш мақсадида вазирилик, идора ҳамда ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди.

Муҳокамаларда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни кўпчилик фуқароларимиз қўллаб-қувватлашди, унинг рўбига чиқарилиши халқимизнинг хоҳиш-истаги, эзгу мақсадлари ифодаси, демократик ислохотларнинг мантқий давоми бўлишини билдирди.

Этиборлики, бу муҳим сиёсий жараёнда ёшлар, ўқувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакилларидан тортиб, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз катта

қизиқиш билан иштирок этиб, ўз тақдир ва фикр-мулоҳазаларини берди.

Фикримиз тасдиғини Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилгандан сўнг бугунги кунга қадар 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу фуқаролар томонидан келиб тушган тақлифлар яна 1,5 бараварга кўпайди, дегани. Бу эса умумхалқ муҳокамаси мuddатини узайтириш ҳақидаги қароримиз жуда тўғри ва ўз вақтида бўлганлигини яна бир бор исботлади.

Ушбу жараёнга ҳориждаги, жумладан, Қозғоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатларда яшовчи ватандошларимиз ҳам фаол иштирок этгани диққатга сазовор.

Этибор қаратиш жоиз бўлган яна муҳим жиҳат шундаки, бугунги кунда қонун лойиҳаси 6 турдаги экспертизадан ўтказилди. Шу билан бирга, ҳориждаги сиёсий доиралар ва етакчи экспертларга конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларда конференция, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда қатнашган экспертлар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни юқори баҳолаб, ўз тақлифларини билдирди ва Ўзбекистоннинг бу бордаги тугган йўлини қўллаб-қувватлади.

**Гулрух АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси:**

— Фуқароларимиз томонидан келиб

тушаётган тақлифлар орасида инсон кадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хотин-қизлар ва эркакларнинг гендер тенглигини давлат томонидан кафолатлашга доир масалалар борлиги қувонарлиқдир.

Айниқса, келиб тушаётган тақлифлар орасида солиққа тортишнинг мутаносиб ва иқтисодий адолат принципларига мос бўлиши, давлатнинг зарур ҳолларда ҳориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши, суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашга ҳақли эмаслигини белгилаш ҳақида ва бошқа шу каби келиб тушган тақлифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда ҳар бир тақлиф ҳамда экспертиза хулосалари чуқур ва атрафли яратишга қўмаклашиш, айниқса, ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳозирги шиддатли давр бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни, аҳоли бандлигини таъминлашда зарур чоралар кўришни тазо эълан қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, давлатнинг ишсизликни тугатишга оид нормани Конституциявий қонун лойиҳасида акс эттириш бўйича тақлиф бердим. Тақлифимиз масъул кўмиталар аъзолари томонидан долзарб ва асосли деб топилганидан хурсандман.

**Носиржон ЗОКИРОВ, пенсионер:** — Шунингдек, эътироф этиш керакки, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фуқароларга ўз хоҳиш-иродаларини эмин-эркин билдириши учун барча қўлайлик яратиб берилди. Мен ҳам ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, қонун лойиҳасига давлат органлари фаолиятининг очик бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш ҳақида тақлиф бердим. Қўшма йиғилишда депутатлар билдирган тақлифимни атрафлича муҳокама қилишди ва долзарб деб топиди.

Ишончим комилки, қонун лойиҳасининг халқимиз тақлифлари асосида яратилаётгани унинг том маънода ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига замин яратди.

Шунингдек, умумхалқ муҳокамаси давомида мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирокида қарийб 40 мартаба маъсул кўмиталарнинг мажлислари ўтказилди. Тақлифлари долзарб аҳамият касб этган муаллифлар билан урчушувлар уюштирилди, уларнинг берган тақли-

фи бевосита ўзининг иштирокида масъул кўмиталарда муҳокама этилди.

Куни кеча бўлиб ўтган масъул кўмиталарнинг қўшма йиғилишида ҳам фуқароларимиздан келиб тушган ва долзарб деб топилган бир қатор тақлифлар муаллифлар иштирокида таҳлил этилди. Ҳозирда асосли деб топилган тақлифлар юзасидан масъул кўмиталар томонидан тегишли тақлиф матнлари тайёрланмоқда.

**Гўзалой ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси:**

— Мамлакатимизда кейинги йилларда ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга қўмаклашиш, айниқса, ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳозирги шиддатли давр бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни, аҳоли бандлигини таъминлашда зарур чоралар кўришни тазо эълан қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, давлатнинг ишсизликни тугатишга оид нормани Конституциявий қонун лойиҳасида акс эттириш бўйича тақлиф бердим. Тақлифимиз масъул кўмиталар аъзолари томонидан долзарб ва асосли деб топилганидан хурсандман.


**Носиржон ЗОКИРОВ, пенсионер:**

— Шунингдек, эътироф этиш керакки, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фуқароларга ўз хоҳиш-иродаларини эмин-эркин билдириши учун барча қўлайлик яратиб берилди. Мен ҳам ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, қонун лойиҳасига давлат органлари фаолиятининг очик бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш ҳақида тақлиф бердим. Қўшма йиғилишда депутатлар билдирган тақлифимни атрафлича муҳокама қилишди ва долзарб деб топиди.

Ишончим комилки, қонун лойиҳасининг халқимиз тақлифлари асосида яратилаётгани унинг том маънода ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига замин яратди.

«Халқ сўзи».

# БОЛАЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛЯПТИ?



Бугунги кунда юртимизда 18 ёшга бўлган болалар умумий аҳолининг 33,3 фоизини ташкил этиб, уларга тиббий хизмат Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 235 та даволаш-профилактика муассасаси томонидан амалга оширилмоқда. Шунингдек, умумтаълим мактаблари ва мактабга қадар ташкилотларида очилган тиббиёт хоналарида фаолият юритаётган соҳа ходимлари томонидан ҳам амбулатор тиббий профилактика ёрдами кўрсатишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан ўтказилган очик мулоқотда белгиланган ваъдалардан келиб чиқиб, болалар мангилли ва малакали тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг 1 майдан бошлаб барча туман (шаҳар)лар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида

роитлар яратиш мақсадида биргина 2021 йилнинг ўзида таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Давлат бюджетига ва ҳомиёлар ҳисобидан 100 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. “Замин” халқаро жамоат фонди томонидан кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган 11 та мактаб-интернатнинг 2 минг 253 нафар ўқувчиси аудиолог ва ЛОР шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббий хулосалар асосида уларнинг 1 минг 932 нафарига сўнгги русумдаги замонавий эшитиш аппаратлари бепул тақдим этилди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонли болалар тарбияланувчиларга мўлжалланган давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабга қадар ташкилотларидан 70 таси 22,0 млрд.

ти Зумрад Бекатова. — Бундан ташқари, аҳоли саломатлигини сақлашга доир ислохотлар натижадорлиги, оилаларда фарзандлар саломатлигига ота-оналар масъулиятини оширишга, муассасалар тарбияланувчилари ва ўқувчиларида ўз саломатлигига масъулият ҳиссини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўрганишлар давомида аҳоли томонидан худудларда вояга етмаганлар ўртасида касалликларнинг олдини олиш учун қўлай шароит яратиш, мактабга қадар ташкилотларида таълим ташкилотларида ва мактабга қадар санитария-гигиена қондаларига риоя қилишни қўлайтириш, болаларнинг белгиланган тартибда тиббий назоратда бўлиши билан боғлиқ қатор масалалар кўтарилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан худудларда соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кўтаётган бир қатор масалалар мавжудлиги таъкидланди.

Хусусан, ўрганишлар жараёнида мактабга қадар таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг барчаси ҳам белгиланган меъёр асосида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмаганлиги, ўқувчи сонидан келиб чиқиб тиббиёт ходими бириктирилмаган мактабларнинг мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, айрим умумтаълим мактаблариди ошконаларнинг санитария-гигиена ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда қонун талабларини бажариш борасида соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва мактабга қадар таълим тизимида ўзаро интеграцияни қўлайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга тўғри оқватларни, гигиена талабларига риоя қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кўникмаларини оилаларда, мактабга қадар таълим-тарбия ва таълим ташкилотларида болалар онгига синдириш борасидаги чора-тадбирлар самардорлигини оширишга эътиборни қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, болалар орасида касалланиш сабабларини танқидий ўрганиб, тиббий кўриқлар сифати ва самарасини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш чораларини қўлайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# МУҲОКАМА ТОВАР, МОЛИЯВИЙ ВА РАҚАМЛИ БОЗОРЛАРНИНГ СЕРМАҲСУЛ ФАОЛИЯТИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг навбатдаги йиғилишида “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлатнинг иқтисодийётга ҳаддан ташқари аралашуви ва Марказий банкнинг қаттиқ пул-кредит сиёсати, давлат томонидан назорат қилинадиган давлат унитар корхоналари шаклида давлат корхоналарини ташкил этиш мамлакатнинг ўз олдига қўйган иқтисодий ривожланиш мақсадида эришишига тўсқинлик қилади.

Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатла-

рини бузганлик учун қонуний жавобгарликнинг самарасизлиги тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу соҳадаги қонунчилик нормаларининг қўллаб ва тақрирчи бўлишига олиб келади ва ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг самарали усулларидан фойдаланишга имкон бермайди.

Йиғилишда ушбу ҳужжат монополияга қарши тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқроқ стандартлар талабларидан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодийётдаги иштирокини қамайтиришга қаратилган нормаларни киритиш ҳамда рақобатни чеклашга олиб келадиган ҳолатларни аниқлаш ва те-

гишли чораларни кўриш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларнинг эркин ҳаракатланиши, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш ва товар, молиявий ҳамда рақамли бозорларнинг самарали ишлаши учун шароит яратишдан иборат.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳаси юзасидан кўплаб саволлар берилди, депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари тингланди.

«Халқ сўзи».

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ИНСОН КАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ АКС ЭТТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 2 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар иқтисодий-иқтисодий соҳани янада тақомиллаштириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий ҳаққатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқирди.

Хусусан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари муҳокамалар марказида бўлди.

Ҳўш, мазкур қонун лойиҳаларида қандай янги нормалар акс этмоқда? Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг оид судловга эришиш даражасини янада ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қиладими? Мухбиримиз шундай саволлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига юзланди.

Мушқоҳада

## МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



**Шухрат БАФОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси:**

дан, “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 68-банди ижросини таъминлашга қаратилган.

Иккинчидан, қонун лойиҳаси ўзининг мазмун-моҳияти бўйича барча тоифадаги фуқароларга эмас, балки молиявий имкониятлари чекланган, кам таъминланган шахсларга, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган шахсларга, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги бузилган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Шу билан бирга, бундай юридик ёрдам фуқаролик ишларида давоғар ва жавобгарларга, маъмурий ишлар бўйича аризагина ва бошқа тоифадаги ишлар бўйича кўрсатилади.

Қонун лойиҳасининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай ҳужжат Қонунчилик палатасига ilk бор киритилган бўлиб, у биринчи-

қўрсатилган адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби қўлланилади. Албатта, бундай тизимнинг жорий этилиши, коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, бундай депутатларнинг қизгин бахс-мунозараларига сабаб бўлди. Масалан, лойиҳада давлат ҳисобидан юридик ёрдами молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш масаласини депутатлар атрофида муҳокама қилинди.

Бу борада давлат қонун лойиҳасида кўрсатилган фуқароларга ўз ҳисобидан юридик ёрдам берад экан, бунинг учун айнан Давлат бюджетидан қанча маблағ талаб этилаётгани тўғрисида бир тўхтама қелиш масаласи кўтарилди, уни яна бир бор Молия ва

зириги билан келишиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, келажакда фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокатлар инсон омилисиз электрон тизим орқали тасодифий танланар экан, пировад натижада адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилмаса, бу пайтда фуқаро ундан воз кечиши ва ўрнига бошқасини тақлиф этиш механизми қонун лойиҳасида етарлича ҳал қилинмагани депутатлар томонидан қайд этилди.

Албатта, бундай саволларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Чунки ҳар қандай фуқаро малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга ва буни давлатнинг ўзи кафолатлаб, таъминлаб бериши керак. Шу жиҳатдан, қонун лойиҳасининг жамиятимиз учун зарурлигини инобатга олган ҳолда, Адлия вазирлиги масъул вакиллари, олимлар, экспертлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиб, лойиҳадаги мунозарали ҳамда муаммолари масалаларни кўриб чиқамиз ва уларни бартараф қиламиз.

## МАҲКУМЛАРГА НИСБАТАН ҚЙНОҚ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАДА БЎЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

**Мавлуда ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси:**

— Мамлакатимизда маҳкумлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, жазони ўтаб бўлган фуқароларга жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Қонунчилик палатасининг яқли мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясига доир муҳим янгиликлар ўз ифодасини топган.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, Солиқ кодексига ҳамда Жиноят-ижроия кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутилмоқда.

Сабаби жазони ижро қилиш тизими муассасаларида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига маҳкумларнинг ишлашга лаёқатлиларидан 15 минг 921 нафари



жисмоний меҳнатга жалб этилган. Лекин ҳозирги кунга қадар бирорта маҳкумининг, хаттоки 10 — 15 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинган шахс озодликка чиққунга қадар жазони ижро этиш колонияларида меҳнат қилган бўлса-да, ўша давр унинг умумий меҳнат стажига қўшилимаган.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасига қўра “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси “озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазо мuddатини ўташ даврида бажарилган ҳар қандай иши, агар ушбу иш учун жазони ижро этиш муассасалари томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса” деган мазмундаги хатбоши билан тўлдирилмоқда. Бу билан муаммога қонуний ечим тақлиф қилинпти.

Солиқ кодексининг 408-моддаси асосида “Жазони ижро этиш муассасалари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг реестрини тўлов топшириқномасига илова қилган ҳолда солиқ тўловини амалга оширадиган ҳамда маҳкум жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганда унга жазони ўташ даврида солиқ тўлагани ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт” де-

шахслар учун мўлжалланган умумий тураржойли махсус вოსиталар ва мосламалар билан жиҳозланиб, тураржой майдони оширилмоқда.

Қонун лойиҳасида маҳкумларга нисбатан қйноқ ва бошқа шафқатсиз, фэйринсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга йўл қўйилмаслиги, маҳкумлар зарур ҳолларда таржимонини, шу жумладан, сурдо (иммо-ишора тили) таржимонининг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланаётгани муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Лойиҳада маҳкумларга рағбатлантириш, мuddатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроқ билан алмаштириш чораларини кўриш учун асос бўладиган, маҳкумин тузалиш йўлига ўтганлигини баҳоловчи аниқ мезонлар ҳам ўз ифодасини толгани эътиборга моликдир.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жазо мuddатини ўтаётган маҳкумларнинг муассасада ишлаган иш стажини умумий иш стажига қўшиш ва бу билан уларга келгусида пенсия олиш имкониятини яратишга, энг муҳими, колонияларда жазо мuddатини ўтаётган ногиронлиги бўлган маҳкумларга зарурий шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

# АМУДАРЁНИНГ ИККИ ҚИРҒОҒИ

## Афғонистон ва Сурхон воҳаси иқтисодий алоқалари узок тарихга эга.

Бугун нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда диққат-этибор қаратилаётган муаммолардан бири афғон заминидagi мураккаб вазият билан боғлиқ. Жафоқаш афғон халқининг тарихига муражаат қилинадиган бўлса, бу ҳудуд доимий манфаатлар тўқнашуви, зиддиятлар ўчоғи бўлиб келганлигини кўриш мумкин.

### Таҳлил

Шундай бўлса-да, бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, афғон халқининг қўшни халқларга нисбатан таъвожузор ҳаракати кузатилмаган. Аксинча, минтақа аҳолисининг тарихи, маданияти, эътиқоди, тили, урф-одат ва анъаналари умумий уйғунликка эга бўлган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Амударёнинг икки қирғоғида истиқомат қилувчи халқлар бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари тарихида, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечирганлар”.

1859 йилда Бухоро амирлиги ва Афғон давлати ўртасида имзоланган шартномага асосан икки давлат ўртасидаги чегара сифатида Амударё белгиленди. Шундай қилиб, дарё қирғоғида яшовчи халқ вакиллари ўртасидаги алоқага сиёсий тўсиқ қўйилди.

Аммо бу ҳудуддаги иқтисодий муносабатлар узок тарихга эга. Азалдан Сурхон воҳаси Шарқ ва Ғарб давлатларини бир-бири билан боғловчи йўлда жойлашганлиги боис Буюк Ипак йўлини Термизсиз тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Айнан мазкур заминнинг Амударё қирғоғида жойлашгани ва бу ҳудудда кулай кечувларнинг бўлиши иккала қирғоқ аҳолисининг ўзаро алоқаларига имкон берган.

Қадимшунос олимлар ва араб-форс манбаларида Окс кечувлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу манбаларда Керки (Туркманистон) ва Айванч (Тожикистон) ораллиғидаги етти та кечув: Керки, Келиф, Қорақамар, Чўчқагузар, Шўрбод, Термиз ва Хотинработ қайд этилади. Мазкур кечувларнинг бештаси, яъни Қорақамар, Чўчқагузар, Шўрбод, Термиз, Хотинработ — айнан Сурхон воҳасида жойлашган. Ўз навбатида, мазкур кечувлар ёнида қарвонсаройлар, турли хил моллар сақланадиган омбулар ва савдогарлар учун меҳмонхоналарнинг бўлиши бу кечувларнинг аҳамиятини янада оширган.

Ҳодифу Абрў Чўчқагузар кечуви ҳақида шундай ёзади: “Бурдоғуй — Жайхун бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар унга Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса уни Исқандар курган, дейдилар. “Бурдоғуй” — юнонча сўз бўлиб, “меҳмонхона” деган маънони англатади ва бу ном ҳам Исқандар замонида қўйилган, деган фикрни айтадилар. Қадимда зиммасига Жайхуннинг кечувидадан ўтишни таъминлаш юкланган кемчилар-

нинг бошлиқлари шу Бурдоғуйда турганлар. Бурдоғуй — султонлар ушбу дарёдан ўтадиган кечув бўлган. Қадимги подшоҳлар ул мавзенинг аҳолисини дарёнинг гузарини қўриқлаб туриш учун рағбатлантириб, уларга тархонлик берганлар. Шу сабабдан у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилган. У ерга бирон-бир мусофир келиб қолса, уни яхши кутиб олганлар. Тез орада, ул жойнинг халқи ўз олижаноблиги билан машҳур бўлди”.

Тарихий тараққиётнинг кейинги давраларида ҳам, айнан мазкур кечувлар Бухоро хонлигининг йирик савдо-иқтисодий марказлари — Бухоро, Қарши, Шеробод ва Самарқандни Афғонистоннинг Кобул, Хирот, Маймана, Қундуз, Балх ва Қандаҳор ша-



Сурхон воҳасига ташриф буюрган рус ҳарбийлари, муҳандислари, геологлар ва бошқа соҳа вакиллари асарларида бу ҳақда жуда қизиқарли маълумотлар қайд этилган бўлиб, мазкур масалага уларнинг ўта синчковлик билан ёндашганлиги алоҳида ажралиб туради. Амударё ва унинг кечувлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ишини инглизлар ва руслар деярли бир даврда бошлаган. 1874 — 1876 йилларда руслар экспедицияси ва 1874 йилдан Форсайт бошчилигидаги инглиз экспедицияси

лик Айритом кечуви ўз аҳамиятини йўқотди. Совет даврида Амударёнинг энг тор жойида (700 метр) қурилган “Дўстлик” кўприги айнан Айритом кечуви ўрнида барпо этилган ва бугунги кунда Шарқ давлатлари билан олиб борилаётган савдо алоқаларида муҳим аҳамиятга эга.

Нафақат воҳа иқтисодиётида, балки Бухоро амирлиги ташқи савдосида Керки кечувида муҳим ўрин тутувчи кечув — бу Паттакесардир. У Термиз истеҳсоми қаршида жойлашган бўлиб, эни 600 сажан, оқимининг тезлиги эса секундига 5 фут бўлган. Кечувда 4 та катта кема (икитаси афғон, икитаси Бухоро амирлигига қарашли) ва қайиқлар хизмат қилган. Қайиқларнинг дарё бўйлаб юзориға қараб ҳаракатида Паттакесар кечуви охириг нукта бўлганлиги учун ҳам у савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган. Бу кечув Самарқанд, Кобул ва Ҳиндистон йўлидаги энг қисқа йўл бўлиб, Шарқий Бухоронинг Шеробод, Денов, Бойсун бекликлари ва Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳарлари ўртасидаги савдо-сотик ва мол алмашинувида алоҳида ўрин тутган. Афғонистондан келувчи махсус лотларнинг 40 фоизи Керки божхонаси орқали ўтган.

Керки божхонасидан кейин юк айланмаси ҳажми бўйича Паттакесар божхонаси турган. У Мозори-Шариф — Тошқўрғон савдо йўлида жойлашган, умумий маҳсулот айланмаси йилга 0,5 млн. рублни ташкил этган. Ҳиндистондан олиб келинадиган жуда кўп товарлар: чой, доқа, нил бўёғи ва бошқа маҳсулотлар айнан мазкур кечув орқали олиб ўтилган. XX аср бошларида келиб, мазкур кечув орқали юкларни ташиш йилдан-йилга кўпайиб борган.

Воҳадаги кечувлардан яна бири — Чўчқагузар кечуви бўлиб, эни 300 — 400 сажан, оқим тезлиги секундига 5 фут, бу ерда ҳам қайиқлардан фойдаланилган. Бундан ташқари, Афғонистонга қарашли 3 та, Бухоро амирлигига қарашли битта кема савдо ишларига хизмат қилган. Бу кечув орқали Шеробод беклиги ва Мозори-Шариф ўртасида савдо алоқалари олиб борилган. Кечувдан йилга Шеробод беги 2 000 танга даромад қилган. Чўчқагузар кечуvidан

Биз афғон давлати билан олиб борилган савдо алоқаларига ҳамда Бухоро амирлиги даврига доир қисқа маълумотларни беришга ҳаракат қилдик. Хулоса ўрнида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг афғон диёрдаги тинчлик ва оқимининг тўғрисида “Марказий ва Жанубий Осиё” минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда билдирган фикрларини келтириш мумкин: “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқаролик ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустақам замин яратлади”.

Эшбола ҚОБУЛОВ,  
Термиз давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор.

**Азалдан Сурхон воҳаси Шарқ ва Ғарб давлатларини бир-бири билан боғловчи йўлда жойлашганлиги боис Буюк Ипак йўлини Термизсиз тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Айнан мазкур заминнинг Амударё қирғоғида жойлашгани ва бу ҳудудда кулай кечувларнинг бўлиши иккала қирғоқ аҳолисининг ўзаро алоқаларига имкон берган.**

ҳарлари билан боғлашда муҳим ўрин тутган. Айванч савдо йўлида жойлашган Хотинработ қарвонсаройи XVI-XVII асрлар ораллиғида барпо этилган. Қарвонсаройнинг йирик гўмбазли хонаси жамоа иншооти вазифасини ўтаган. Барча қарвонсаройларда бўлган сингарии қарвон юки сақланадиган айвон ва ертўла ҳамда қарвон хайвонлари учун ҳовиллар ҳам бўлган.

Сурхон воҳаси Чор Россияси босқинидан кейинги содир бўлган кескин сиёсий ўзгаришлар даврида ҳам ўз стратегик мавқеини йўқотмади, аксинча, чўқур тарихий илдишларга эга бўлиб, чўқур тарихий туфайли маҳаллий аҳолининг икки эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, қўшни мамлакатлар билан ҳам савдо муносабатлари имкон қадар давом этди. Тарихий манбалар ва адабиётларда Сурхон воҳаси бўйича олиб борилган савдо муносабатлари ҳақида турли хил маълумотлар сақланган бўлиб, улар орасида айнан маҳаллий савдогарлар ва тадбиркорлик билан боғлиқ маълумотлар алоҳида қизиқиш ўйотлади.

Чор Россияси босқинидан кейин

фаолият олиб борган. Руслар ҳам, инглизлар ҳам Амударё кечувларини жуда чўқур ўрганган.

Бевосита Сурхон воҳаси ҳудуди билан боғлиқ кечувлардан бири — Айванч кечуви Амударёга қўйиладиган Қофирихон дарёси чегара пости қаршида жойлашиб, эни 1 чақиримча, оқим тезлиги секундига 6 футни (1 фут — 30,479 см.) ташкил этган. Кечув орқали Россия товарлари Афғонистонга ўтказилиб, у ёқдан, асосан, қорамоллар ўтказилган. Қирғоқдан 2 чақирим узокликда Айванч кечувида кўприк бўлиб, унинг қолдиқлари бугунги кунгача сақланиб қолган. Ушбу кечув Бухоро амирлигининг Қабодиён ва Афғонистоннинг Қундуз шаҳарларини ўзаро боғлаб, савдо-сотик ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Айритом кечуви Афғонистон чегара пости қаршида жойлашган бўлиб, эни бир чақиримдан кўпроқ, дарё оқимининг тезлиги эса секундига 5 футни ташкил этган. Бу кечув, асосан, қайиқлар орқали товарлар ташишга хизмат қилар эди. Кейинча-

# ШИЖОАТ, БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД – МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ҚАНОТ!

Ёшларнинг кучи, билим ва иқтидори ҳар қандай мамлакат тараққиёти, жаҳондаги обрў-этиборини белгилайди. Навқирон авлод қанчалик кучли, маънан баркамол ва илмий бўлиб вояга етса, демакки, Ватан келажаги шунчалик ёрқин бўлади. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар

## Ёшлар — келажак бунёдкорлари

### Мақсад — она тилимиз мавқеини юксалтириш



**Мехриноз АБСООВА, “Wiki-Stipendiya” лойиҳаси ташкилчиси:**  
нимизда ўзбек тили викирўйхат рейтингига 62-ўринда эди, марафон натижаси ўлароқ қисқа вақт ичида беш ўринга юқорилди.  
Яна бир эътиборли жиҳати, айна пайтда википедияга киритилган янги мақолаларнинг сони 10 мингдан ошди. Ҳинд тилидан олдинга чиқди, бу тилдан илгариланганимиз яхши натижа, албатта. Лойиҳадан мақсадимиз — туркий тиллар орасида биринчи ўринга чиқиш, шунингдек, дунёдаги энг кучли ўн тилига кириши. Агар шу мақсадга эришсак, интернетда ўзбек тилидаги маълумот ва контент интернетда жуда кам. Соҳа мутахассисларнинг маслаҳати билан ўзбекча википедия, яъни очик интернет энциклопедиясида ўзбекча маълумотларни кўпайтиришга киришдик. Биринчи ишни “Википедия марафони” лойиҳасидан бошладик. Таъкидлаш жоизки, мазкур марафонни бошлага-

замрида эртамик эгаларини маънан ва жисмонан етук, касб-хунар сирларини пухта эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар қилиб камол топириш мақсади муҳассамдир. Қўйида ўз меҳнати, орзу-мақсадлари, интилишлари билан олға бораётган, она юртимиз раванга йўлида хизмат қилаётган ёшларнинг фикрларини ёзиб олдик.

57-ўринда, туркий тиллардаги википедиялар орасида эса туркча, татарча, жанубий озарбайжонча, озарбайжонча ва қозоқчадан кейин 6-ўринда бормоқда.  
Ёшлар кунда Президентимиз “Wiki-Stipendiya” лойиҳаси билан танишиб, уни қўллаб-қувватлади. Лойиҳани янада ривожлантириш учун қўшимча 10 миллиард сўм маблағ ажратилиши ҳақида гапирди.  
Мазкур маблағ биринчи ўринда википедиядаги ўзбекча мақолаларни қўшимча 100 мингтага кўпайтириш, кейинги босқичда Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни, матни, аудио ҳамда видео форматдаги контентларни оширишга, шунингдек, мазкур соҳа ривож учун грантлар ажратилишига йўналтирилади. Яқин ойлар ичида ташкилотчилар томонидан тўғри ёзишни ўргатадиган ҳамда матни таҳрир қилиб берадиган “Matn.uz”, матн ва аудио кўринишдаги илмий-оммабоп китоблари ўзида жамланган “Kitob.uz” платформалари ишга туширилиши режалаштирилган.

## Ҳаётимнинг сермазмун кунлари

**Нодирбек АБДУСАТТОРОВ, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер, жаҳон чемпиони:**

— Ҳар бир даврнинг ўз тарихий кунлари бўлади. 2017 йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича аъёнани Михаил Чигорин хотирасига бағишланган 24-халқаро турнирда соҳанинг энг кучли, етук мутахассислари эътирофига сазовор бўлишим ҳаётимга ўзгача маъно олиб кирди. Ана шу пайтда мен шахмат бўйича халқаро гроссмейстер унвонининг учинчи талабини ҳам бажардим ва ФИДЕ томонидан ушбу унвон билан тақдирландим.



Биласизми, шахматда ўсиш ўз-ўзидан рўй бермайди, техника устида тинимсиз ишлаш лозим. Қўбилият, иқтидорнинг ўзи ҳеч нимага қафолат бермайди. Очиги, ўзбек ёшларининг ақл-заковати ва салоҳиятини намён ёна олганимдан жуда хурсандман. Ютуқларим замирида оиламдаги тарбия, мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор муҳассам, деб биланман.  
Ўзбекистон — истеъдодлар мамлақати. Юртимизда наққи-

рон авлодга алоҳида ғамхўрлик қўрсатилмаётгани боис қисқа фурсат ичида ёш иқтидорлар худди булоқ кўз оғанидек отилиб чиқди. Интилувчан ўғил-қизларимиз кейинги бир йил ичида халқаро фан олимпиадаларида 255 та медални қўлга киритгани, 382 нафар спортчимиз жорий йилдаги нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринини эгаллагани шундай дейишимизга асос бўлади. Бу ёшлар Ўзбекистон номини дунёга танитаётгани мазкур ютуқлар аҳамиятини, залварини янада оширади.

## Бахтиёрлигимнинг чеки йўқ!

**Севинч АБАЗОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига талабаси, “Ёш китобхон” танлови голиби, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби:**

— Ҳар бир инсонни қалбидаги эзгу орзулар улғу мақсадлар сари бошлайди. Шу маънода, ерга қадалган уруннинг ниҳолга айланадиган шарт-шароит ва эътибор талаб этилганидек, ҳали гўр боланинг ўсиб-ўлғайиши учун меҳр ва тўғри тарбия зарур. Буни ўз ҳаётим мисолида яна бир бор исботладим. Аввало, айтишим жоиз, эришаётган муваффақиятларим учун яқинларимдан фойда миннатдорман. Оила аъзоларим, дўстларимнинг маслаҳатлари ва меҳри туфайли ижобий натижага эриша олдим.



“Ёш китобхон” деган ном ҳозирда ёшлар орасида катта обрўга эга. Уларнинг сафида эканим менга қувонч билан биргаликда катта масъулият ҳам юкляйди. Ёшлар кунда Юртбошимиз қўлидан “Келажак бунёдкори” медалини олишим эса чиндан ҳам қутилмаган ва аҳойиб тухфа бўлди. Президентимиз мукофотини топириб, “Табриқлайман, қизим, ота-онангизга раҳмат! Мен сизларга ишонман!” деганида қаттиқ ҳаяжонландим. Бу “Сиз, ёшлар — янги Ўзбекистон бунёдкорларисиз” деган юксак ишончнинг англатишини ич-ичимдан ҳис қилдим. Ҳамиша юксак мақсад,

метин ирода, юрагимда ишонч билан олға юраман. Чунки ортимизда Ўзбекистон бор. Биздан буюк келажак, эзгу ҳамда хайрли ишлар кутаётган халқимиз бор. Демак, ортаг чекинмишга, ўрганиш ва изланишдан бир зум бўлса-да, тўхташга ҳаққимиз йўқ.  
Севимли ёзувчимиз Эркин Аъзам “Ҳаётнинг қораламаси бўлмайди”, дейди. Ҳаётим зарварларига факат гўзал ранглар билан ёзилаётганидан хурсандман. Умуман, ниятларим улкан. Келажакда эски Ўзбек ёзувидаги қўлёзмаларни тадқиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистонда илк матн-шунослик мактабини яратиш, юртимиз ва халқимизга хизмат қилишни хоҳлайман.  
Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефининг орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.45 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6